



Tadqiqot **uz**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих сағифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



No22
30 ноябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 30 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Аминов Мироббос Аскар ўғли	
ДАВЛАТ – ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АТРИБУТИ СИФАТИДА	7
2. Dilrabo Ro‘zmetova, Niyozjon Sultanova, Tolibjon O‘razmetov	
BOLA HUQUQLARINING QONUNIY ASOSLARI	10
3. Н.Х.Рахманкулова, Х.Х.Сайдивалиева	
БУЮК БРИТАНИЯНИНГ ИЖТИМОИЙ ШАРТНОМАНИ ҚЎЛЛАШ ТАЖРИБАСИ	12
4. Muxamadiyev Xojiakbar Asliddinovich	
INSON HUQUQLARI – ENG OLIV KONSTITUTSIYAVIY QADRIYAT SIFATIDA.....	15
5. Мансурова Нозима Абдурашидовна	
ШАХСИЙ РИВОЖЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА SWOT ТАҲЛИЛНИНГ АФЗАЛЛИГИ	17
6. Норматов Бекзод Акрамович	
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЁР СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ	19
7. Артиков Дилмурод Раҳматиллаевич	
МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ВА УЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИ, ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ) УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИНИ ТЕКШИРИШ	22
8. Артиков Дилмурод Раҳматиллаевич	
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ТОМОНИДАН ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА ДАЛИЛЛАР МАСАЛАЛАРИ.....	26



ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

ДАВЛАТ – ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ДАВЛАТ БОШҚАРУВИННИНГ ЗАМОНАВИЙ АТРИБУТИ СИФАТИДА

*Аминов Мироббос Аскар ўғли
Тошкент давлат юридик
университети таянч докторанти
Телефон: +99890-319-75-45
mr4689959@mail.ru*

Аннотация: ушбу тезисда давлат-хусусий шериклик тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва бугунги кундаги аҳамияти ҳамда чет эл тажрибасида норматив-хуқукий хужжат сифатида тартибга солиниши билан боғлиқ жиҳатлар ёритилган.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик тушунчаси, тадбиркорлик, давлат-хусусий шериклик муносабатлари, давлат-хусусий шериклик белгилари

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан шуни кузатишимиз мумкинки, давлат-хусусий шериклик (ДХШ) муносабатлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, иирик инфраструктура лойиҳаларини самарали амалга ошириш мамлакатда ижтимоий инфратузилмани яхшиланишида катта рол ўйнамоқда. Бу борада ривожланаётган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улардаги амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш муҳим вазифалардан саналади. Хусусан, G20 (катта йигирматалик) мамлакатлари ҳамда бошқа ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг давлат-хусусий шериклик муносабатлари борасида тажрибаларини ўрганиб, бевосита, бу борадаги муваффақиятли амалиётларни мамлакатимизга жорий этиш, айниқса, аҳамиятлидир. Мамлакатимзинг иқтисодий ўсишида тўсқинлик қилиши мумкин бўлган асосий омиллар транспорт, энергетика, коммунал хизматлар каби инфратузилма тармоқларининг етарлича ривожланмаганлигидадир. Шунингдек, ушбу тармоқларда инфратузилма обьектларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича зарур инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларнинг етишмаслиги ва замонавий технологияларни жалб этиш даражасининг пастилиги асосий муаммолардан ҳисобланади. Бундай муаммоларни ҳал этишда дунё амалиётида энг самарли усуллардан бири давлат-хусусий шериклик асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобланади.

Сўнгги 30 йил ичида дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатида давлат-хусусий шериклик механизми фаол жорий этилаётгани кузатилмоқда. Жаҳон банки маълумотига кўра, мазкур механизм ёрдамида инфратузилма лойиҳаларига хусусий инвестицияларнинг қарийб 15-20 фоизи жалб қилинмоқда.

Европада давлат-хусусий шериклигини жорий этиш бўйича Буюк Британия, Франция ва Германия асосий етакчилар ҳисобланади. Умуман олганда, Евropa Иттифоқи бўйича 2010 йилдан 2016 йилга қадар умумий қиймати 111 млрд. евро миқдорида 541 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилди. Бунда таълим (156 та лойиҳа) ва транспорт (111 та лойиҳа) секторлари давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидағи устувор тармоқлардан бўлган[1].

Давлат-хусусий шериклик ҳокимият ва хусусий бизнес ҳамкорлигининг энг оддий кўринишдаги схемаси қуйидагича: давлат ижтимоий инфратузилма обьектини (масалан, клиника, йўл, боғча, мактаб ва х.) куриш ёки модернизация қилишни режалаштираётганини эълон қиласи ва тендерда иштирок этиш учун сармоядрларни таклиф этади. Танловда ғолиб бўлган хусусий компания лойиҳани молиялаштиради (капитални жалб қиласи), иншоотни қуради (ёки модернизация қиласи) ва бутун ҳаётий цикл давомида ушбу обьектни



бошқаради. Давлат ва хусусий компания ўртасида тузилган шартнома муддати якунида ундаги шартларга кўра, обьект ёки давлатга топширилади ёки хусусий компания қўлида қолади. Давлат ўз навбатида, хусусий шерикнинг барча харажатлари, кредит фоизлари ва даромадларини ўз ичига олган ойлик унитар тўловларни амалга оширади.

Давлат-хусусий шерикликнинг концессия шартномаси, хизмат кўрсатиш (хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, бошқарув) шартномаси, қўшма фаолият тўғрисидаги келишув, инвестиция мажбуриятлари билан ижара шартномаси, обьектлар ва уларнинг турларини яратиш ҳуқуқига оид инвестиция битими, маҳсулот таҳсимоти тўғрисидаги битимлар шаклидаги турлари мавжуд.

Давлат-хусусий шерикликнинг томонлар учун устунлик тарафларини қуида кўриб чиқамиз.

Давлат учун – ижтимоий аҳамиятли инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш имконияти; хусусий инвестор билан хатарларни бўлишиш; хусусий сектор томонидан тақдим этилган хизматлар сифати талабга мос келмаса, пул тўловларини камайтириш имконияти; хусусий секторнинг бошқарув ва интелектуал капиталини жалб қилиш; обьектни ишлатиш учун бюджет харажатларининг мавжуд эмаслиги, бюджет юкини камайтириш.

Хусусий шерик учун – давлат-хусусий шериклик обьектидан даромад олиш, хизмат ва товарлар кафолатланган бозорнинг мавжудлиги; хатарларни давлат билан бўлишиш; хатарларни давлат билан бўлишиш, давлат томонидан кафолат ва имтиёзлар; қарзларни молиялаштиришга давлат маблағларини жалб қилиш имконияти.

Ўзбекистонда сўнгги 25 йил ичидаги амалга оширилган давлат-хусусий шериклигининг турли шакллари, асосан, иқтисодиётнинг айрим секторларигагина тегишли бўлди. Бундай лойиҳалар кўпроқ нефть-газ ва кон саноатларида амалга оширилди. Бу мазкур секторларга йўналтирилган инвестициялар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан хавфсизроқ деб ҳисобланиши билан боғлиқдир. Маҳсулотни таҳсимлаш тўғрисидаги битим минерал ресурслар билан боғлиқ секторларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлат-хусусий шериклигининг энг кўп кўлланган шаклларидан биридир.

Давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда ягона ҳуқуқий механизм мавжуд эмаслиги республикада давлат-хусусий шериклигининг нисбатан паст даражада ривожлангани асосий сабабларидан биридир.

Ўзбекистонда хусусий секторни ижтимоий, транспорт ва коммуникация инфратузилмаси қурилиши ва модернизациясига жалб қилиш учун чора-тадбирлар ва механизmlарни фаол жорий этиш 2017 йилда бошланди.

Давлат-хусусий шериклигининг замонавий механизмларини жорий этиш “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси[2]”да давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш йўналишларидан бири деб белгиланган эди.

Мана уч йилдирки, Ўзбекистон ҳукумати ижтимоий муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга хусусий секторни жалб қилиш бўйича фаол ҳаракат қилиб келмоқда. Ҳокимият ва бизнес ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг замонавий шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш давлат бошқарувида 2017 йилда бошланган ислоҳотларнинг бир қисмидир. Ушбу вақт давомида ҳукумат мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал ҳўжалик каби соҳаларда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таълим мусассасаларини ташкил этишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар[3]. Дарҳақиқат, мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида бундай амалиётнинг жорий этилаётганлиги, мактаб таълими ва олий таълим тизимда ҳам бундай амалиётнинг жорий этилиши мамлакатимиз таълим тизими ни ривожланишининг янги босқичга олиб чиқиши мумкин. Шунингдек, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнида давлат-хусусий шериклик муносабатларини кенгайтириш алоҳида масаладир. Бевосита бу соҳада ҳам бундай амалиётнинг кенг жорий этилиши тармоқнинг сифатини яхшилаш имконини беради. Шу билан биргаликда, Президентимиз мамлакатимизда давлат-хусусий шериклик асосида маданият истироҳат боғларини ташкил этиш, коммунал ҳўжалик соҳасида инвесторлар билан ҳамкорликда ДХШ лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида таъкидлаб ўтдилар[4].

Давлат-хусусий шериклик энг аввало, давлат ва бизнеснинг инфратузилмаларни ташкил



этиш ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳим хизматларни кўрсатишда молиявий, технологик ва бошқарув ресурсларининг бирлашуви. Бундай ҳамкорликда муносабатлар давлат ва хусусий компаниялар кооперацияси сингари барпо этилади. Айни дамда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномада иштирокчилар ўртасида хавфларнинг бўлиниши аниқ ва равshan қилиб кўрсатилиши шарт ва муҳимdir. Ушбу шаклдаги ўзаро муносабатларга давлат органларининг ваколатлари аниқ баён этилган қонунчилик базаси керак эди.

Шу мақсадда 2019 йил 10 майда давлат билан хусусий шериклик ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳужжат "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун[5] қабул қилинди.

Молия вазирлиги хузуридаги давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик соҳаси бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда масъул этиб тайинланди. Ушбу агентлик республикада давлат-хусусий шериклик бўйича сиёсатни белгилайди, лойиҳаларни кўриб чиқади, тармоқ вазирликлари билан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги тендер ҳужжатлари ва шартномаларни мувофиқлаштиради, тендерларни ишлаб чиқиш, ўtkазиш ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан ёрдам беради.

"Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонунда ҳамкорликнинг ушбу турига "давлат органлари ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги", деб тавсиф берилган[6]. Давлат бошқаруви органлари, жумладан жойлардаги ижро органлари давлат номидан шерик, маҳаллий ва хорижий инвесторлар эса хусусий шерик сифатида қатнашади.

Давлат ва хусусий шерикнинг қонун олдида тенглиги, шерикликни амалга ошириш жараёнида қоидалар ва принциплар шаффоғлиги, хусусий секторни танлаб олишда мусобақалашув ва холислик, камситиш ва коррупцияга йўл қўйилмаслиги давлат-хусусий шериклигининг асосий принципларидир. Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома 3 йилдан 49 йилгача бўлган муддатга тузилиши мумкин.

Хуласа қилиб айтадиган бўлсак, давлат-хусусий шериклик замонавий давлат бошқарувида янги институтлардан бўлиб, давлатнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини амалга оширишда маълум функцияларни бевосита давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бажаради. Бу жараёнда давлат фаолияти номарказлашади, шунингдек, бюджет маблағлари ҳам анча тежалади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/presscenter/articles/2018/03/16/the-un-supports-implementation-of-public-private-partnership-in-.html>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони. 07.02.2017// URL:<https://lex.uz/docs/3107036>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliisy>, 28.12.2018
- 4."Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун <http://lex.uz/ru/pdfs/4329272>
5. <http://lex.uz/docs/4007897>
- 6."Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун <http://lex.uz/ru/pdfs/4329272>



BOLA HUQUQLARINING QONUNIY ASOSLARI

*Dilrabo Ro'zmetova,
Niyozjon Sultanova
Xorazm viloyati yuridik texnikumi
“Huquq” fani o‘qituvchilarini:
Tolibjon O‘razmetov
Xorazm viloyati yuridik texnikumi talabasi*

Annotatsiya: Ushbu maqolada voyaga yetmagan bolalarning xalqaro miqyosdagi huquq va manfaatlarining asoslari. Respublikamizdagi qonun hujjatlari orqali voyaga yetmaganlarni manfaatlarining huquqiy kafolatlari haqida so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: Bola huquqlari, Konvensiya, Deklaratsiya, BMT, Konstitutsiya, Bola huquqlarining kafolatlari, Voyaga yetmagan shaxs, Bola huquqlari, Oila kodeksi

Butunjahon bolalar kuni birinchi marta 1954 yilda Umumjahon bolalar kuni sifatida tashkil etilgan va har yili 20 noyabrda xalqaro hamjihatlikni targ’ib qilish, dunyo bo‘ylab bolalar o‘rtasida xabardorlikni kengaytirish va bolalar farovonligini oshirish maqsadida nishonlanadi. 1959 yil 20 noyabrda BMTning Bosh Assambleyasi tomonidan “Bola huquqlari to‘g’risidagi Deklaratsiya”si qabul qilingan.

Bola huquqlari bolaga nisbatan inson huquqlari toifasi, irqi, jinsi, tili, dini, tug’ilgan joyi, milliy yoki ijtimoiy mavqeidan qat’i nazar, har bir bola ega bo‘lishi kerak bo‘lgan huquq va erkinliklaridir. Xalqaro huquqda voyaga yetmaganlarning barchasi bola deb tan olingan. Bola huquqlari bo‘yicha xalqaro majburiy darajadagi asosiy hujjat bola huquqlari tog’risidagi Konvensiya hisoblanadi. Ushbu Konvensiya 1989 yilda 20 noyabrda N’yu-Yorkda qabul qilingan bo‘lib u 54 ta moddadan iborat. Konvensiya kiritilgan huquqlarning barchasi bolalarga qaratilgan bo‘lib va davlatlar tomonidan xalqaro majburiyatlarni paydo qiladi. Bola huquqlari to‘g’risidagi Konvensiya BMTning bolalalikni muhofaza qilish bo‘yicha eng keng tarqalgan hujjat hisobladи. 20-noyabr bayram bolalarni farovonligini oshirishga, dunyo miqyosida bolalar manfaatlari yo‘lida BMT tomonidan olib borilayotgan ishlarni kuchaytirishga qaratilgan.

Respublikamizda qabul qilingan normativ huquqiy hujjatlarda ham bolalarning huquq va manfaatlari ustivorligi belgilangan bo‘lib, xususan O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 14-bobi Oila haqida, unda “Ota –onalar o‘z farzandlarini voyaga yetgunga qadar boqish va tarbiyalsshga majbur ekanligi” mustahkamlangan. Shuningdek “Davlat va jamiyat yetim bolalarni va ota-onalarning vasiyligidan mahrum bo‘lgan bolarni boqish, tarbiyalash va o‘qitishni ta’minlaydi”, “Bepul umumiy ta’lim olish davlat tomonidan kafolatlanadi” deb belgilangan. Oila kodeksida ham bu borada quyidagi qonun normalarini ko‘rishimiz mumkin, “Bola o‘z huquqi va qonuniy manfaatlarini himoya qilish huquqiga ega”, “Bolaning huquqi va qonuniy manfaatlarini himoya qilish uning ota-onasi, vasiylik va homiylik organi, prokuror va sud tomonidan amalgalash oshiriladi”, “Bola ism, ota ismi va familiya olish huquqiga ega” ekanligi belgilangan.

Bola huquqlari to‘g’risidagi Konvensiya mustahkamlab qo‘yilgan bola huquqlari va manfaatlarining barcha mazmun mohiyati 2008-yil 7-yanvarda qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasining “Bola huquqlarining kafolatlari to‘g’risida”gi qonunida o‘z ifodasini topgan. Ushbu qonun 4-bob 32- moddadan iborat bo‘lib, qonuning 15-moddasida “Oilada har qanday masala hal qilinayotganda bolla o‘z fikrini ifoda etishga, shuningdek har qanday sud muhokamasi jarayonida sozlashga haqlidi”, 17-moddasida “Bolaning fikrash, so‘z, vijdon va e’tiqod erkinligi huquqiga ega”ligi belgilangan. Shuningdek, davlatimizdagi boshqa qonun hujjatlarida ham bolalarning huquq manfaatlari boyicha qonun qoidalar atroflicha yoritilgan. “Jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari to‘g’risida”gi qonunda “Voyaga yetmagan shaxslarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga rioya etilishi masalari yuzasidan davlat organlariga, tashkilotlarga yoki ularning mansabdor shaxslariga mustaqil ravishda murojaat berishga haqli” ekanligi hamda Prezidentimizning “Bola huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirishga



oid qo'shimcha chora tadbirlar to'g'risida"gi qarorida "Bolalarning ro'yhatda turish joyi va fuqaroligidan qat'iy nazar, ularga barcha ijtimoiy xizmatlar ko'rsatiladi" deb belgilab qo'yilgan. Shularni asos qilib olgan holda, yurtimizda voyaga yetmagan bolalarni huquq va manfaatlari ustivor siyosat darajasiga ko'tarilgan. Ularga yaratilayotgan shart sharoitlar kelak poydevorlari ekanligidan dalolatdir.

Foydalaniman adabiyotlar ro'yhati

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi: 2018 y.21-22 bet
2. "Bola huquqlarining kafolatlari to'g'risida"gi qonun 2007 y
3. " Bola huquqlari to'g'risidagi konvensiya" 1989 y 20 noyabr



БУЮК БРИТАНИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ШАРТНОМАНИ ҚЎЛЛАШ ТАЖРИБАСИ

H.X.Рахманқурова
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети
“Халқаро хусусий ҳуқуқ ва
фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси доценти
X.X.Сайдивалиева
“Маҳалла ва оила” илмий
тадқиқот институти катта илмий ходими
Тел: +998903286182
e-mail: akbarova1982@inbox.ru

Аннотация: Мақолада ижтимоий шартнома тушунчаси, аҳамияти ҳамда ижтимоий шартномани қўллашнинг Буюк Британия тажрибаси таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: ижтимоий шартнома, ижтимоий ёрдам, ижтимоий мослашув дастури, камбағаллик, ишсизлик, ўз-ўзини таъминлай олиш.

Ижтимоий шартнома тушунчаси назария ва амалиётда икки хил йўсинда қўлланилишини кузатиш мумкин. *Биринчиси*, классик файласуфларнинг демократик давлат қурилишида давлат ва жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро мажбуриятларнинг мажмуи сифатидаги ғоялари хисобланади.(Афлотуннинг “Критон” асари, Томас Гоббс (XVII аср) ва Жан-Жак Руссонинг (XVIII аср). 1762 йилги “Ижтимоий шартнома тўғрисида”ги асари¹.) Иккинчиси, ижтимоий шартнома давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш воситаси ҳамда камбағалликка қараш механизми деб қараш мавжуд.

Ижтимоий шартномани давлатнинг ижтимоий ҳимоя қилиш шакли ва воситаси сифатида назарий жиҳатдан кам ўрганилганлиги кузатилади. Мазкур шартномани иқтисодиёт, социология, юридик фан вакиллари ва ижтимоий хизмат билан шуғулланувчи амалиётчилар тадқиқ қилиб келмоқдалар².

Шунинг учун ҳам ижтимоий шартноманинг аниқ таърифи, турлари, аҳамияти ва қўлланилишига оид назарий тушунчаларни ишлаб чиқиш ва бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш долзарблек касб этмоқда.

Ижтимоий шартнома - мақсадли ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ шахслар ва давлат (аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органи вакили) ўртасидаги ўзаро мажбуриятлар тўғрисидаги битим. Шартнома ҳар бир қийин ҳаётий вазиятни ўзгартириш учун нима қилиш кераклиги ва бу борада ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни белгилайди (камбағаллик) кам таъминланган оила ёки кам таъминланган фуқаронинг ижтимоий холатини фаоллаштириш орқали мақсадли ижтимоий ёрдам олувчининг молиявий холатини яхшилаш ва аста-секин ўз-ўзини таъминлашга ўтишига замин яратади³.

Ижтимоий шартнома – бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат органи ва ижтимоий ёрдамни олувчи (ва унинг оиласи) ўртасида тузиладиган, ижтимоий мослашув дастурини ҳамда тарафларнинг ўзаро мажбуриятларини қамраб олувчи шартнома

¹ Социальный договор / Институт социально-экономического прогнозирования им. Д.И. Менделеева, Сретенский клуб им. С.П. Курдюмова; А.В. Щербаков (отв. ред.), В.Г. Буданов, Н.В. Белотелов, Л.А. Колесова, В.С. Курдюмов, А.В. Олескин. – М.: Грифон, 2019. –С. 8.

² Усмонова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишнинг фуқаролик ҳукукий муаммолари. Т.-2006. Дис....юрид.фан. доктори. -Б.28., Холостова Е.И., Климантова Г.И.Социальный контракт: от заключения до исполнения: Учебно-методическое пособие. М.: ИТК «Дашков и К». 2012. 169 с., Тишенска Т.М. Социальные контракты в практике работы социальных служб//Социальная работа. 2012. № 6. С.28-31., Малофеев И.В. Социальный контракт как форма социальной поддержки населения// Вестник Красноярского государственного педагогического университета им. В.П. Астафьева. 2011, -С.26-29., Татаринцев В.Е. Развитие социального контракта как особой формы социальной поддержки населения. Автореф...дисс. канд.эконом наук. 2017. 26 с. Прожерин И.А. Социальный контракт как вид государственного социального обеспечения// Развитие общественных наук российскими студентами 2017.-С.156-159.

³ https://wuor.ru/posts/12123-sotsialnii_kontrakt__dorozhnaya_karta_vihoda_iz_maloobespechennosti



кўринишидаги хужжат бўлиб, унга кўра давлат ижтимоий ёрдам олувчига пул ва моддий ёрдамни кўрсатиши, ижтимоий ёрдам олувчи эса (ва унинг оила аъзолари) ижтимоий мослашув дастурида кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни бажаришлари шарт хисобланади¹.

Ижтимоий шартнома механизмини Ўзбекистон Республикасида қўллашдан аввал унинг илмий асосларини яратиш, бу борадаги миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш, яшаш минимуми тушунчаси ва талабларини жорий қилиш, шунингдек хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиши талаб этилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда мазкур мақолада ижтимоий шартноманинг Буюк Британия тажрибаси таҳлил этилади.

Буюк Британияда ижтимоий қўллаб-кувватлаш тизими - «ишлай оладиганлар учун иш, ижтимоий ёрдам эса ишлай олмайдиганлар учун», деган тамойил асосида қурилган. Пуллик иш билан таъминлаш деганда, инглизлар яшаш фаровонлигининг етарли дара-жасини таъминлай оладиган, камбағалликни олдини оладиган ва жамият ҳаётига хисса қўшишнинг асосий воситаси тушунилади. Буюк Британияда ишсиз аҳолининг ижтимоий мослашуви тизимининг марказий элементи меҳнат билан таъминлаш чора-тадбирларидир.

Бундай турдаги дастур «Янги курс» (New Deal) деб номланади. У асосан, фаровонликдан ишлашга ўтишни (Welfare-to-work) рағбатлантирувчи дастур тури бўлиб, унда ижтимоий нафақалар олувчиларни меҳнат бозорига қайтишга ундаш кўзда тутилган. Дастурнинг мақсади узок муддатли ишсиз ва иқтисодий фаол бўлмаганларни меҳнат бозорига қайтишда ёрдам беришдир. Дастур АҚШ Президенти Ф.Рузвелтнинг Буюк депрессияни бартараф этишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар саъий-харакатлари курсига қиёсий равища шундай номланган. Иш берувчиларга 6 ой давомида ҳафтасига 60 фунт миқдорида субсидия тўланади.

Дастур асосида ижтимоий хизмат идораларига «мақбул» бандлик (иш)дан воз кечгандарга нафақа тўлашни тўхтатиш имконияти берилди. Ушбу турдаги дастурнинг афзаллиги шундаки, меҳнат бозори билан узок вақтдан бери алоқани йўқотган одамларга пулли ишга қайтишга ёрдам бериш бўлиб, бу давлат нафақаларга нисбатан улардан давлатнинг тўлаш мажбуриятидан халос бўлиш ва шу билан давлат ҳаражатларини камайтириш эмас, балки камбағалликни қисқартиришда янада ишончли кафолат сифатида қаралади.

Ушбу дастурда аризачининг манфаатлари биринчи ўринда туради, ҳар бир ишсиз шахс улар билан мунтазам учрашиб турадиган ва улар учун мақбул вариантни топиш учун жадал ишлайдиган шахсий маслаҳатчи бириктирилган. Дастлаб, “Янги курс”нинг иштирокчилари 18-24 ёшдаги ишсизлар эди, улар 6 ойлик ва ундан кўпроқ муддатга тайинланадиган “Jobseeker’s Allowance”- иш қидираётганлар нафақасини олган. Дастурда иштирок этиш нафақа олишни истаган ҳар бир киши учун мажбурийдир. Дастур бандлик марказлари мутахассислари билан иш қидариш соҳасида аризачининг кўнималарини ривожлантириш ва иш берувчилар билан интервьюдан ўтиши учун мажбурий маслаҳати билан бошланади (Jobcentre Plus). Агар 4 ойдан кейин ҳам иш қидариш муваффақиятсиз бўлса, давлатдан нафақа олишни давом эттириш учун, аризачи тўрт вариантдан бирини танлаши керак: 1) бир марталик 750 фунт стерлинг миқдорида таълим пули олиш; 2) нотижорат тизимдаги ишга эга бўлиш; 3) ишсизлик нафақаси саклаб қолинган ҳолда 13 ойгача давом этадиган кундузги таълим ёки профессионал таълим олиш; 4) атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича тезкор гуруҳда ишлаш. Аризачи ишсизлик нафақасини ва ҳафтасига 20 фунт кўшимча пул олиши мумкин. Вариантлардан бирини танламаслик ишсизлик нафақасини тўлашнинг тўхтатилишига олиб келади. Бундай ҳолда, аризачининг иши келажакда унга нафақа олиш учун мурожаат қилганда рухсат берилишини ҳал қилиш учун мутахассисга юборилади.

Ишсизларда бешинчи вариант мавжуд эмас. Ишсиз ёшларни фаоллаштириш ҳали ҳам дастурнинг асосий вазифаси хисобланади, лекин 2000 йилдан бошлаб, дастур яна беш тоифадаги ишсизларга кўпайтирилди: 25 ёшдагилар ва катталар учун (New Deal 25+). Охирги 18 ва 21 ой мобайнида ишсизлик нафақаси олувчи 25 ёшдаги ва ундан катта ёшдагилар кекса одамлар 50 ёш ва ундан катталар (New Deal 50+). Ишсизлик нафақасини сўнгги 6 ой ёки ундан кўп муддатда олиб келаётганлар 50 ёшдагилар ва ундан катта ёш-

¹ Калашников С.В., Татаринцев В.Е., Храпылина Л.П. “Сравнительный анализ применения социальных контрактов в субъектах Российской Федерации”// Вопросы государственного и муниципального управления. 2017. -№ 3.-С.92-101.



даги ишга қайтишни истаган кекса одамларга; ёлғиз ота-оналар учун янги шартнома (New Deal for Lone Parents). Қарамоғида мактаб ёшидаги болалари бор ота-оналар ишга қайтиш учун мурожаат қилишлари мумкин; шунингдек ишлаш истагидаги ногиронлар учун янги шартномани таклиф этади. (New Deal for the Disabled). Охирги гуруҳдагилар учун ихтиёрий иштирок этиш тамойилларига асосланиб, лекин ишсизлик ёки ногиронлик бўйича нафақа олувчиларни, бандлик имкониятларини баҳолаш учун шахсий маслаҳатчи билан сұхбатдан ўтиб туришлари зарурий қилиб белгилаб берилди.

Буюк Британия ҳукумати "New Deal" ижтимоий дастурлари жуда муваффақиятли бўлганини таҳмин қилмоқда. Бандлик ва пенсиялар бўлими ўтган 10 йил мобайнида ушбу дастур орқали қарийб 3 миллион киши иш топиб, 1,729,000 янги иш ўрни яратилганини қайд этмоқда. Оилада ишламайдиганлар сони бўйича оиласлар 200 мингга камайди. Буюк Британияда бандлик даражаси ҳозирда 75,9%га яқин. Ишсизлик қўрсаткичи 3.9 % ни ташкил этмоқда. Бу дунёда энг юқори қўрсаткичлардан биридир. 18-24 ёшдаги ёшлар орасида ишсизлик даражасининг сезиларли даражада пасайиши ва ушбу гуруҳ орасида ишсизлик бўйича нафақалар учун аризалар сони пасайгани кузатилди¹.

Болали ёлғиз аёлларнинг меҳнат бозорига қайтишига қўмаклашиш мақсадида ҳукумат мактабгача тарбия хизматларидан фойдаланиш имкониятларини (хусусан, ишлайдиган ота-оналар учун маҳсус солик кредити) кенгайтириб қўйди.

Хулоса ўрнида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий шартномани қўллаш амалиётини жорий қилишда Буюк Британиянинг "New Deal" дастурининг ижобий жиҳатларини инобатга олиш фойдадан холи эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кудинова К.В.“Социальный контракт как инструмент сокращения бедности малоимущих горожан”. Дис...канд.соц.наук. Н.Новгород. 2015. 146-с.
2. Малофеев И.В. Социальный контракт как форма социальной поддержки населения.// Вестник Красноярского государственного педагогического университета им. В.П. Астафьева. 2011. -С.26-29.
3. Татаринцев В.Е. Развитие социального контракта как особой формы социальной поддержки населения. Автореф...дисс.канд.эконом наук. 2017. 26 с.
4. Социальный договор / Институт социально-экономического прогнозирования им. Д.И. Менделеева, Сретенский клуб им. С.П. Курдюмова; А.В. Щербаков (отв. ред.), В.Г. Буданов, Н.В. Белотелов, Л.А. Колесова, В.С. Курдюмов, А.В. Олескин. – М.: Грифон, 2019. –С. 8
5. Усмонова М.А. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимояни ташкил этишининг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Т.-2006. Дисс...юрид.фан. доктори. -Б.28.
6. Холостова Е.И., Климантова Г.И. Социальный контракт: от заключения до исполнения: Учебно-методическое пособие. М.: ИТК «Дашков и К». 2012. 169 с.
7. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020?phrase_id=25797837
8. <https://regulation.gov.uz/uz/document/22546>
9. <https://russian.cgtn.com/n/BfJAA-CEA-EEA/DDJEA/index.html>
10. <https://mineconomy.uz/uz/news/view/3282>
11. <https://rusnews1.rukak-socialnyj-kontrakt-pomozhet-rossiyanam-v-trudnoj-situacii.html>
12. https://wuor.ru/posts/12123sotsialnii_kontrakt__dorozhnaya_karta_vihoda_iz_maloobespechennosti
13. <https://take-profit.org/statistics/unemployment-rate/united-kingdom/>

¹ <https://take-profit.org/statistics/unemployment-rate/united-kingdom/>



INSON HUQUQLARI – ENG OLIY KONSTITUTSIYAVIY QADRIYAT SIFATIDA

*Muxamadiyev Xojiakbar Asliddinovich
O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi
Jizzax viloyati yuridik texnikumi katta o'qituvchisi,
3-darajali yurist*

Annotatsiya: Ushbu maqolada inson huquqlari – eng oliv konstitutsiyaviy qadriyat sifatida o'rGANildi. Shuningdek, bu qarash inson va fuqarolarning konstitutsiyamizda mustahkamlangan asosiy huquq va erkinliklarida ham aks etganligi ko'rsatib berildi. Hamda bu boradagi me'yoriy-huquqiy hujjatlar ham tahlil qilindi.

Kalit so'zlar: inson huquqlari, oliv qadriyat, shaxsiy huquq va erkinliklar, siyosiy huquqlar, iqtisodiy va ijtimoiy huquq va erkinliklar, davlat, kuchli ijtimoiy siyosat, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev O'zbekiston Respublikasi O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 27 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimda "Konstitutsiya va qonun ustuvorligi-huquqiy demokratik davlat va fuqarolik jamiyatining eng muhim mezonidir" mavzusida ma'ruza qildi. Mana shu ma'ruzada yurtboshimiz inson huquqlari va erkinliklariga alohida to'xtalib, - "Inson huquq va erkinliklariga amal qilinishini ta'minlash, har bir shaxsning qadr-qimmatini e'zozlash biz barpo etayotgan ochiq, erkin va adolatli jamiyatning ajralmas xususiyatidir"[1]-degan edilar.

Darhaqiqat, demokratik davlatning eng asosiy vazifalaridan biri inson huquq va erkinliklarini ta'minlanish, har bir shaxsning qadr-qimmatini himoyalashdir. Buni biz O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi muqaddimasidanoq 1992 yil 8 dekabrda o'z oldimizga maqsad qilib qo'ygan edik. Buni asosiy qonunimiz muqaddimasida "O'zbekiston xalqi inson huquqlariga va davlat suvereniteti g'oyalariga sodiqligini tantanali ravishda e'lon qilib"[2] degan so'zlardan boshlanishida ko'rishimiz mumkin. Bu davlatimizning demokratik davlat qurish yo'lida inson huquq va erkinliklarini ro'yobga chiqarish, ularning huquq va erkinlarini oliv qadriyat darajasiga ko'tarishni aynan konstitutsiyaviy norma bilan mustahkamlaganligini ifoda etadi.

Inson huquqlari oliv qadriyat ekanligi 1948 yil 10 dekabrda qabul qilingan Inson huquqlari umumjahon Deklaratsiyasida ham bayon qilingan bo'lib, unda "Hamma odamlar o'z qadr-qimmati hamda huquqlarida erkin va teng bo'lib tug'iladilar"[3]-deb, bayon qilingan. Hamda mana shu Deklaratsiyaning 30 ta muddasi ham insonlarning huquq va erkinliklari oliv qadriyat ekanligini e'tirof etadi va xalqlarni, millatlarni, umuman olganda, butun dunyo insonlarini birodarlik ruhida yashashga chorlaydi.

Konstitutsiyamizning ham bosh yo'nalishi inson va uning hayotini ulug'lashga qaratilgan. Asosiy qomusimizda "O'zbekiston Respublikasida demokratiya umuminsoniy prinsiplarga asoslanadi, ularga ko'ra inson, uning hayoti, erkinligi, sha'ni, qadr-qimmati va boshqa daxlsiz huquqlari oliv qadriyat hisoblanadi.

Demokratik huquq va erkinliklar Konstitutsiya va qonunlar bilan himoya qilinadi"[2, 13-modda]-deb, mustahkamlangan. Bu davlat, uning organlari, mansabdar shaxslar faoliyatining asosiy maqsadi va yo'nalishlarini o'zida yaqqol ifoda etadi. Ya'ni, mamlakatimizda inson manfaatlari uchun davlat xizmat qilishi tamoyili mavjudligidan dalolat beradi. Bu haqda konstitutsiyamizning 2-moddasida "Davlat xalq irodasini ifoda etib, uning manfaatlariga xizmat qiladi. Davlat organlari va mansabdar shaxslar jamiyat va fuqarolar oldida mas'uldirlar"-deb, bayon qilingan.

Bugungi kunda davlatimiz rahbari mamlakatimizda kuchli himoyalangan ijtimoiy siyosatni olib bormoqda. Pandemiya sharoitida ham prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev boshligida kamballikning oldini olish bo'yicha yoki yoshlari, asosan xotin-qizlarning jamiyatda o'ziga xos va mos bo'lgan pozitsiyasini egallahsga ko'maklashish borasida bir qancha islohotlar amalga oshirilmoqda. Amalga oshirilayotgan islohotlar mazmuni bevosita aynan inson huquqlari va erkinliklarini ro'yobga chiqarishga, ularni shaxs sifatida qadr-qimmatini ta'minlash orqali ularga farovon turmush kechirish uchun shart-sharoitlarni yaratish hamda har bir inson sihat-salomatligini ta'minlashga qaratilgan. Bu borada prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev inson



huquqlarni ta'minlashda jahon hamjamiyatini hamkorlikka chorlab "... Maqsadimiz-har bir insoning asosiy huquq va erkinliklarini, salomatligi va farovonligini ta'minlaydigan adolatlari global tizimni birgalikda yaratishdir]"[4] — deya, ta'kidlagan edi.

Umuman olganda, mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlar mezonining bosh g'oyasi-inson omili hisoblanadi. Bu omilning o'ziga xosligi asosiy qomusimizda ham o'z aksini topgan. Konstitutsiyamiz 128 moddadan iborat bo'lgani holda uning 30 dan ortiq moddalari bevosita inson huquqlari va erkinliklariga bag'ishlangandir.

Konstitutsiyamiz Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasining deyarli barcha prinsipial qoidalarini o'zida mujassamlantirgan bo'lib, davlatimiz inson huquqlari bo'yicha bir qator majburiyatlar olgan. Ularga xususan davlat o'z faoliyatini inson va jamiyat farovonligini ko'zlab, ijtimoiy adolat va qonuniylik prinsiplari asosida amalga oshirishi, davlat xalq irodasini ifoda etib, uning manfaatlariga xizmat qilishi, davlat organlari va mansabdor shaxslar jamiyat va fuqarolar oldida mas'ul ekanliklari, O'zbekiston Respublikasi o'z hududida istiqomat qiluvchi barcha millat va elatlarning tillari, urf-odatlari va an'analari hurmat qilinishini ta'minlashi, ularning rivojlanishi uchun sharoit yaratishi, O'zbekiston Respublikasi o'z hududida ham, uning tashqarisida ham o'z fuqarolarini huquqiy himoya qilish va ularga homiylik ko'rsatishni kafolatlashi kabilarni misol qilib keltirish mumkin.

Davlatimiz inson, uning hayoti, erkinligi, sha'ni, qadr-qimmati va boshqa daxlsiz huquqlari oliv qadriyat ekanligidan kelib chiqib, so'nggi yillarda inson huquqlarini himoya qilishning qonunchilik va tashkiliy-huquqiy bazasini mustahkamlash, inson huquqlari bo'yicha xalqaro standartlarni milliy qonunchilikka implementatsiya qilish va xalqaro majburiyatlarni bajarish, shuningdek, inson huquqlarini himoya qilish masalalari yuzasidan xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlikni faollashtirishga doir tizimli ishlar olib bormoqda.

Shuningdek, inson va fuqarolarning asosiy huquq va erkinliklarini ta'minlash maqsadida bir qator ishlarni amalga oshirdi. Xususan, 2020 yil 22 iyunda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasining Milliy strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi 6012-sonli Farmoni qabul qilindi. Ushbu Farmon asosida tasdiqlangan Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasining Milliy strategiyasida inson huquq va erkinliklarini ta'minlashga qaratilgan bir qancha vazifalar belgilab berildi. Eng e'tiborli jihat shundaki, ushbu strategiya orqali bugungi pandemiya sharoitida kuchli ijtimoiy siyosat amalga oshirilmoqda. Jumladan, aholining imkoniyati cheklangan, kam ta'minlangan guruhlari huquqlarini BMT Barqaror rivojlanish maqsadlarining «hech kimni orqada qoldirmaslik» tamoyiliga muvofiq himoya qilish[5] vazifalari ilgari surildi.

Shunday qilib hozirgi kunda inson huquqlari shunday bir qadriyatki, unga barcha xalqlar va davlatlar nurga, ziyoga intilgandek intilishadi. Inson huquqlari – shunday o'lchov va andozaki, u davlatga, uning mavjud huquq tizimiga, qonunchiligiga, huquq tartibotiga berilgan baho, ularning rivojlanish va demokratiyaviylik darajasi, sifat ko'rsatkichi rolini o'tamoqda.

O'zbekistonning Konstitutsiyasi o'zida xalqaro inson huquqlari borasidagi to'plangan ijobiy tajriba tamoyillarini muhrlangan. Davlatimizda esa inson huquqlari oliv qadriyat hisoblanib, ularni hurmat qilish, himoya etish va ularga rioya etish borasidagi majburiyatini amalga oshirishga qaratilgan amaliy faoliyatlar kuchaytirilmoqda.

Adabiyotlar ro'yxati

1. <https://nrm.uz/> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 27 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdag'i ma'ruzasi/ Konstitutsiya va qonun ustuvorligi-huquqiy demokratik davlat va fuqarolik jamiyatining eng muhim mezonidir. 2019 yil 7 dekabr.
2. <https://lex.uz/> O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Muqadimma.
3. Inson huquqlari umumjahon deklarastiyasi.T.:1998, 1-modda.
4. <https://www.gazeta.uz/uz/> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning BMTning bosh assambleyasida so'zlagan nutqi./2020/09/23/
5. <https://lex.uz/> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasining Milliy strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi 6012-sonli Farmoni.



ШАХСИЙ РИВОЖЛАНИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА SWOT ТАҲЛИЛНИНГ АФЗАЛЛИГИ

*Мансурова Нозима Абдурашидовна
Самарқанд вилояти юридик техникуми 2-курс талабаси
Телефон: (93) 224 86 99
nozima_mansurova_02@mail.ru*

Аннотация. Мазкур мақолада шахснинг ривожланишида SWOT таҳлилий ёндашуви тўғрисида фикр юритилган. Инсоннинг ўз хатти-харакатларига масъуллиги, кучли хислатлари устида ишлаши орқали ижобий сифатларини ривожлантириши, ожизлик тарафларини енгиши ва турли таҳдидларга қарши шахсий иммунитетини ривожлантиришига оид мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар. Ўз-ўзини бошқариш, карьера, SWOT таҳлили, кучли томонлар, заиф томонлар, имкониятлар, ҳавф-хатарлар.

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хукуқий онги ва саводхонлигини ошириш, жамиятда ёшларни сиёсий фаол қатламга айлантириш ҳамда уларнинг сиёсий-хукуқий билим ва кўникмаларини амалда бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бундай эътибор ёшларга катта масъулият юклайди. Уларнинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий тарафдан шахсий ривожланиши мухимликни касб этади. Ҳар бир ёш келажакда нима қилишни хоҳлаётганини аниқ ва равshan билиши, орзуидаги карьера погоналарини зabit этиш учун режали фаол қадамлар қўйиши, доимо янгидан янги ғояларни таклиф этиши ва ташаббускор бўлиши, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, ўз ҳаётини, келажагини, ўсиш карьерасини тўлиқ назорат қила оладиган кадр бўлиб етишиши учун доимий ташқи ва шахсий таҳлилларга ёндашиши керак бўлади.

Ўз-ўзини бошқариш орқали инсон ўзлигини англашни ва керакли мақсадларни қўйишни ўрганади. Ушбу мақсадларга эришиш учун мушоҳада қиласи, зарур қадамларни ташлашни режалаштиради. Ўз билими, кўникма, малака ва тажрибасидаги камчиликларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш учун ҳаракатлар режасини тузади. Шахсий ривожланишини режалаштиришда бундай ёндашув аҳамиятлиdir.

Инсон истиқболли мақсадларни қўйишдан олдин, аввало, ҳозирги ҳолати тўғрисида фикрлаши зарур. Унинг устунлиги нимада? Қайси жиҳатларини ривожлантириши зарур? Қандай имкониятлари бор? Мақсадларига таъсир қилувчи ўзига боғлиқ бўлмаган омиллар ҳам борми? Ушбу саволларга жавоб бериш учун бизнесда қўлланиладиган классик восита – SWOT таҳлили шахсий вазиятларга мослаштирилади. Улардан фойдаланиб, киши ҳозир қаерда ва қандай вазиятда эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши ва қай томонга ҳаракатланиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

SWOT таҳлили муваффақиятни ташкиллаштиришга боғлиқ бўлмай, балки муҳокаманинг натижалари келгусидаги аниқ таклиф ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши мумкин. Бундаги кетма-кетликлар қўйидагича:

- S (Strengths) – кучли томонлари (ташкиллаштиришнинг ички манбалари).
- W (Weakness) – кучсиз томонлари (ташкиллаштиришнинг ички муаммолари).
- O (Opportunities) - имкониятлар (ташқаридан).
- T (Threats) – ҳавф-хатарлар (ташқаридан).

Инсоннинг кучли томонлари ва имкониятлари биргаликда узок муддатли истиқболли карьерани аниқлаштиришга ёрдам беради. Мавжуд заиф томонлари ва содир бўлиши мумкин бўлган эҳтимолли ҳавф-хатарлар мақсадларга эришиш йўлида айнан улар устида ишлаш шарт бўлган жиҳатларни ўзида акс эттиради. SWOT таҳлилни амалга ошириш учун инсон ўз жорий ҳолати ва вазияти тўғрисида ўз-ўзига қатор саволларни бериши керак.

Кучли томонлар. Инсоннинг бошқалардан ажратиб турадиган сифатларни аниқлашдан иборат. Унда бошқалар орзу қиладиган қандай хусусиятлар мавжуд? Масалан, билим дараҷаси, олган таълимни, истеъдод ва қобилаларни, шахсиятига боғлиқ омиллар, қизиқишилари ва ҳоказо.

Заиф томонлар. Инсон ўзида ривожлантириши зарур бўлган жиҳатлар. Ўз заиф



жиҳатларини билиши ва тафаккур қилиши орқали уларнинг миқдорини камайтириши ёки уларни бошқаришига боғлиқ бўлган ҳаракатлар. Асосий мақсад заиф томонларни англаш ва уларни самарали бошқаришдан иборат.

Имкониятлар. Инсон учун мавжуд бўлган ёки бўладиган имкониятларга урғу бериш назарда тутилади.

Ҳавф-хатарлар. Муваффакиятларни яксон қиласидан хатарлар. Ҳавф-хатарларни иложи борича кўпроқ аниқлаш лозим. Шундагина улардан келадиган зарарларни шунча камайтириш имкони туғилади. Ҳавф-хатарларни бошқариш ва уларга тайёр бўлиш эҳтимолли зарарни камайтиради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ёш шахсий ривожланишини режалаштиришда SWOT таҳлилга асосланиб ўз фаолиятини таҳлил қилиб борса, ўзлигини назорат қила олади ва истиқболда ижобий муваффакиятларга эриша олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон.

2. To’liq tahlil qilish. SWOT tahlili: bu nima va uni qanday qilib to’g’ri bajarish kerakligi haqida misollar. // Read more at: <https://motherhouse.ru/uz/nasledstvo-i-darenie/swot-analiz-vidy-swot-analiz-chto-eto-takoe-i-primery-kak-ego/>



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА САЙЁР СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

*Норматов Бекзод Акрамович,
Тошкент давлат юридик университети
“Маъмурий ва молия хуқуқи” кафедраси
каптат ўқитувчиси
+99890-296-90-57
E-mail: bekzod.normatov.2016@mail.ru*

Аннотация: Мазкур мақолада муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасида солиқ текширувларининг тури сифатида сайёр солиқ текширувларининг хуқуқий асослари, текширув ўтказиш асослари ҳамда МДҲ давлатларининг солиқ қонунчилиги таҳлил қилинган.

Калит сўзи: сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити, солиқ текшируви асослари, солиқ хавфи, риск бошқарув тизими.

Амалдаги солиқ қонунчилигига сайёр солиқ текшируви “солиқ аудит” тушунчаси билан ифодаланади. 2019 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳирдаги Солиқ кодекси 140-моддасига кўра муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш солиқ аудити ҳисобланади. Солиқ органлари солиқ аудити ўтказилиши бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин солиқ тўловчига солиқ аудити ўтказилиши тўғрисида хабарнома юборади. Солиқ органи раҳбарининг солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги бўйруғида текшириладиган солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами, текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лавозими, солиқ аудитини ўтказиш муддатлари ва мақсади кўрсатилади. Солиқ органи раҳбарининг солиқ аудитини ўтказиш тўғрисидаги бўйруғи билан уни ўтказиш дастури ҳам тасдиқланади ва ўтган 5 йилни қамраб олиши мумкин.[1]

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-17-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисида”ги Низомга [2] кўра солиқ аудити солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг муайян давр учун солиқлар ва йиғимларнинг ҳисобланиши ҳамда тўланишининг тўғрилигини текшириш мақсадида, унинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа хужжатларини ўрганиш ва таққослаш йўли билан ўтказилади. Солиқ аудити қўйидаги солиқ тўловчиларда ўтказилади: солиқ органида хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган ахборот тизими («Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти) орқали аниқланган, юқори даражадаги таваккалчилик (солиқ хавфи) тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчиларда; камерал солиқ текшируви натижаси бўйича солиқ органининг талабномасига жавобан аниқлаштирилган солиқ ҳисботини тақдим этмаган (шу жумладан, аниқлаштирилган талабномадан кейин), аниқланган тафовутлар бўйича асос келтирмаган ёки тақдим қилинган асосномалар етарли эмас деб топилган юқори даражадаги таваккалчилик (солиқ хавфи) тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчиларда; ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчиларда; жиной иш қўзгатилган солиқ тўловчиларда; аввал ўтказилган солиқ аудити чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган солиқ тўловчиларда. Солиқ аудитини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг бўйруғи солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисботларини ва (ёки) солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида солиқ аудити дастури тайёрлангандан кейин чиқарилади. Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўтказилган солиқ аудити тўғрисида далолатнома тузилган (имзоланган) кунда тугайди.

Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўттиз иш кунини ташкил қиласи. Солиқ аудитини ўтказиш муддати икки ойгача, алоҳида ҳолларда эса — уч ойгача узайтирилиши мумкин. Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўтказилиши қўйидагилар учун ҳам узайтирилиши мумкин: талаб қилинган хужжатлар (ахборотлар) беш иш куни ичida тақдим қилинмагандан (узайтириш хужжатлар талаб қилинаётган ҳар бир шахс бўйича кўпи билан бир марта йўл қўйилади); чет эл давлат органларидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида ахборот олишда; экспертизалар ўтказишда; чет тилида тақдим этилган хужжатларни таржима қилишда (хужжатлар давлат тилига таржима қилинган асл нусха-



лари шаклида ёки нотариал тарзда тасдиқланган шаклда бўлиши мумкин); солиқ аудити жараёнида ўрганилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳажмининг кўплиги сабабли солиқ аудитини ўтказиш учун буйруқда кўрсатилган муддатнинг етарли эмаслигига; яроқсиз ҳолга келган ҳужжатларнинг ҳамда солиқлар ва йифимларни хисоблаб чиқариш билан боғлиқ электрон ахборот жисмларни қайта тикланишида; мутахассис фикри олинишида; эксперт жалб қилинганда. Солиқ аудитини ўтказишнинг умумий муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси. **Россияда** сайёр солиқ текширувлари нинг мақсади, консолидациялашган солиқ тўловчилар гурухи ҳамда ҳудудий инвестиция лойиха иштирокчисига солиқ текшируви ўтказиш тартиби, солиқ органи томонидан солиқ тўловчиларни текширган аудиторлик ташкилотлардан тегишли ҳужжатларни сўраб олиш тартиби белгиланган; [3] **Қозоғистонда** сайёр солиқ текширувлари рискни бошқариш тизими орқали танлаб олинади. Сайёр солиқ текшируви шакллари: комплекс, тематик, муқобил ва хронометраж кўздан кечириш ҳамда турлари: хавф даражасини баҳолаш асосидаги текширув ва режадан ташқари текширувга бўлинади; [4] **Грузияда** сайёр ослиқ текшируви тўлиқ ёки мавзули текшириш шаклида ўтказилади. Солиқ текширувларни тўхтатиб туриш институти мавжуд, кечиктириб бўлмайдиган текширувлар суд розилиги билан ўтказилади ҳамда солиқ маъмуриятчилиги амалиётининг бирхил кўлланилишини таъминлаш мақсадида Аудиторлик кенгаш ташкил этилган;[5] **Латвия** сайёр солиқ текширувлари давлатлараро қўшма ўтказилиши мумкин;[6] **Литвияда** солиқ текширувлари комплекс, мавзули ва оператив текширув турларига бўлинади;[7] **Эстонияда** сайёр солиқ текшируви солиқ тўловчининг иш вақти доирасида ўтказилиши белгиланган;[8] **Белорусияда** сайёр солиқ текширувлари карор билан 3 ойгача (бошқа давлатга сўров юборилганда 6 ойгача) тўхтатиб туриш мумкин;[9] **Озарбайжонда** сайёр солиқ текшируви навбатдаги ва навбатдан ташқари ўтказилади. Сайёр солиқ текширувнинг даврийлиги қатъий чегараланган ҳамда текширишлар солиқ тўловчининг иш куни ва иш вақтида ўтказилиши белгиланган ҳама текширувларни тўхтатиб туриш мумкин;[10] **Арманистанда** ҳар йили 1 февралга қадар солиқ органи расмий сайтида тугалланган барча солиқ назорати тадбирлари тўғрисида маълумотлар, хусусан текширувлар тури, муддати, натижалари ва келиб тушган шикоятлар жойлаштирилади. Солиқ текширувларининг комплекс ва мавзули турлари мавжуд ҳамда риск даражасидан келиб чиқиб, солиқ тўловчиларни текшириш даврийлиги белгиланган, хусусан юқори хавфли 1 йилда, ўрта хавфли 3 йилда ва паст хавфли солиқ тўловчилар 5 йилда бир марта комплекс текшируvdan ўтказилади;[11] **Украинада** сайёр солиқ текширувлари ҳужжатли (режали ва режадан ташқари, сайёр ёки сайёр бўлмаган) ва фактik шаклда ўтказилади. Сайёр солиқ текшируv режаси жорий йил учун 25 декабргача солиқ органи расмий сайтида жойлаштирилади. Режа солиқ тўловчиларни танлаб олиш риск даражасидан келиб чиқади;[12] **Молдавияда** солиқ назорати қўйидаги усул ва опрециялар орқали амалга оширилади: фактik текшиruv, ҳужжатли текшиruv, умумий текшиruv, қисман текшиruv, мавzuли текшиruv, оператив текшиruv, муқobil текшиruv;[13] **Қирғизистонда** сайёр солиқ текширувлари режали ва режадан ташқари турларга бўлинади ва текшиriш режаси риск таҳлил тизими ва тасодифий танлов асосида шакллантирилади, текшиruвларни тўхтатиб туриш институти мавжуд;[14] **Туркманистанда** сайёр солиқ текшиruvi ўрта ва кичик тадбиркорлик субъектлари тоифаси ҳисобга олиниб, ўтказилади;[15] **Тожикистанда** сайёр солиқ текшиruвлари (ҳужжатли текшиruv) комплекс ва мавzuли текшиruv турларга бўлинади. Сайёр солиқ текшиruvi режали ва режадан ташқари ўтказилади. Текшиriш режаси риск таҳлиl тизими орқали солиқ тўловчининг ялпи даромад ҳажмидан келиб чиқib шакллантирилади.[16]

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагилар тўғрисида хулоса қилинади: Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида сайёр солиқ текшиruv тушунчasi тўлиқ очиб берилмаган ва мақсади белгиланмаган. Шунингдек, солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатларнинг тавсифи, солиқ тўловчиларни танлаб олиш асослари ва мезонлари белгиланмаган, солиқ аудитини ўтказиш қайси ҳолатда 2 ой ва қайси ҳолатда 3 ойга чўзилиши аниқланмаган, текшиriшни ўтказишда солиқ тўловchilar (йирик, ўрта ва кичик тадбиркорлик субъекти) турига қараб классификация қилинмаган, текшиruвларни тўхтатиб туриш асослари мавжуд эмас, риск бўйича субъектларда текшиruv ўтказиш таснифланмаган, юқори хавfli субъектлар бир йилда 1 марта, ўрта хавfli субъектлар ҳар уч йилда 1 мар-



та, паст хавфли субъект ҳар беш йилда 1 марта, текширувни ўтказиш даврийлиги қатъий белгиловчи нормалар мавжуд эмас, текширув муддатини узайтириш субъектлар тоифасига қараб таснифланмаган, солик текшируви натижаларини расмий сайтда эълон қилиб бориш тартиби мавжуд эмас, текширишларни иш куни ва иш вактида ўтказиш белгиланмаган, текширувлар амалиётини бир хилда қўллаш бўйича орган масъул қилиб белгиланмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги Солик кодекси. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон; 11.03.2020 й.,
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-17-сон қарори билан тасдиқланган “Солик аудитини ўтказиш тўғрисида”ги Низом. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020 й., 10/20/3251/1053-сон
3. Налоговый кодекс Российской Федерации (часть первая) от 31.07.1998 N 146-ФЗ (ред. от 20.07.2020). <https://legalacts.ru/kodeks/NK-RF-chast-1/>
4. Кодекс Республики Казахстан от 25 декабря 2017 года № 120-VI ЗРК. О налогах и других обязательных платежах в бюджет (Налоговый кодекс) Информационно-правовая системанормативных правовых актов Республики Казахстан. <http://adilet.zan.kz/rus/docs/K1700000120>
5. Налоговый кодекс Грузии. Законодательный Вестник Грузии-ЗВГ, 54, 12/10/2010. Публикация 10.12.2019. <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/1043717?publication=153>
6. Закон о налогах и пошлинах Латвии 18.02.1995 (ред. от 12.06.2019). <https://www.baltikon.lv/taxes/o-nalogah-i-poshlinah>;
7. Закон о налоговом администрировании от 13 апреля 2004 г. № IX-2112 Вильнюс. Литовский Республики. Сводная редакция с 01-01-2017 <https://e-seimas.lrs.lt/portal/legalActPrint/lt?jfwid=q8i88lylo&documentId=TAIS.310642&category=TAD>
8. Закон о налогообложении от 20 февраля 2002 года. (редакция от 1 января 2020 года) <https://www.juristaitab.ee/sites/www.juristaitab.ee/files/elfinder/ru>
9. Налоговый кодекс Республики Беларусь от 19 декабря 2002 г.№ 166-3 с изменением от 30 декабря 2018 г. Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь. <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk0200166>
10. Налоговый кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 11 июля 2000 года № 905-IQ). с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.05.2020 г. http://continent-online.com/Document/?doc_id=30414629#pos=5;-144
11. Налоговый кодекс Республики Армения от 4 октября 2016 года. http://www.parliament.am/law_docs5/011116HO165_rus.pdf
12. Налоговый кодекс Украины от 2 декабря 2010 года № 2755-VI (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.07.2020 г.) https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30910385#pos=2613;-26
13. Налоговый кодекс Молдова от 24 апреля 1997 г. № 1163-XIII. Мониторул Официал ал Р.Молдова, специальный выпуск от 08.02.2007. <http://lex.md/fisc/codfiscalt20214. . №102, 20.07.2020 г. №163> https://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=3834
14. Налоговый кодекс Кыргызской Республики от 17 октября 2008 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 17.08.2020 г.) https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30355506#pos=6;-106
15. Налоговый кодекс Туркменистана от 25 октября 2005 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 30.11.2019 г.) http://continent-online.com/Document/?doc_id=30415652#pos=5;142// .tm/ mcenter-single-ru/38
16. Налоговый кодекс Республики Таджикистан от 17 сентября 2012 года (редакция от 2.01.2020г, №1676;) https://andoz.tj/docs/kodex/KATJ_RU2020.pdf



**МАЪМУРИЙ ОРГАНЛАР ВА УЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ
ҶАРОРЛАРИ, ҲАРАКАТЛАРИ (ҲАРАКАТСИЗЛИГИ) УСТИДАН ШИКОЯТ
ҚИЛИШ ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ҚЎРИБ ЧИҚИШДА ИДОРАВИЙ
НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИНИ ТЕКШИРИШ**

*Артиков Дилмурод Раҳматиллаевич
Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси*

Ўзбекистонда маъмурӣ ҳужжат билан боғлиқ низони қўриш тартиби Ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ суд ишларини юритиш түғрисидаги кодексининг 23-боби(Маъмурӣ органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг ҷарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш түғрисидаги ишларни юритиш)да белгилаб ўтилган. Мазкур бобнинг 188-моддасида маъмурӣ ҳужжат билан боғлиқ низони қўришда маъмурӣ органнинг ёки мансабдор шахснинг ваколатларини текширади, шунингдек устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айrim қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузганлигини аниқлайди деб белгилаб ўтилган¹. Агарда шу ўринда маъмурӣ ҳужжатни қабул қилишга асос бўлувчи норматив-хуқуқий ҳужжат унинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса суд қандай ҳаракат қилиши кераклиги бўйича савол туғилади.

Шу ўринда, суд томонидан ноқонуний норматив-хуқуқий ҳужжатни қўлламасликнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қиласак.

А.Б.Зеленцовнинг таъкидлашича, суд томонидан суд иш юритувида ноқонуний норматив-хуқуқий ҳужжатни қўлламаслик ҳуқуқи маъмурӣ юстиция институтидан келиб чиқсан².

Ушбу фикр ўринли бўлиб, ушбу ҳуқуқ суд томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунийлиги текшириш билвосита тури сифатида маъмурӣ юстиция институтининг бир кўриниши ҳисобланади.

Е.А.Фетисованинг фикрича, ноқонуний норматив-хуқуқий ҳужжатни қўлламаслик бу шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули бўлиб, давлат органларнинг ноқонуний қарорлари ва хатти-ҳаракатларидан суд орқали ҳимояланадиган³.

Ҳақиқатан ҳам, суд норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қўлламаслик ҳуқуқи орқали фуқаро ва юридик шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинади.

Ҳ.Рахмонқуловнинг таъкидлашича, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш организенинг қонунга зид бўлган ҳужжатини суд томонидан қўлламаслик фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг ўзига хос алоҳида усули ҳисобланади⁴.

Юқорида фикрлардан қўриш мумкинки, суднинг ноқонуний норматив-хуқуқий ҳужжатни қўлламаслик ҳуқуқи фуқаро ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим усули ҳисобланади. Лекин, суд томонидан қўлланмайдиган ноқонуний норматив-хуқуқий ҳужжатнинг ўзини ҳақиқий эмас деб топишнинг алоҳида тартиботи бўлса ҳам, суд томонидан ноқонуний норматив-хуқуқий ҳужжатни қўлламаслик ҳуқуқини амалга ошириши тўғрими? Яъни, Ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ суд ишларини юритиш түғрисидаги кодексда идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш түғрисидаги иш доирасида ноқонуний идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни қўлламаслигини тўғри деб бўладими?

Ҳ.Рахмонқуловнинг фикрича, ноқонуний норматив-хуқуқий ҳужжатни қўлламаслик ҳуқуқини амалга оширишда суд томонидан қонунни қўлламаслик имкони истисно

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон

² Зеленцов А. Б. Административная юстиция. Общая часть. Теория судебного административного права: учебное пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Юриспруденция». М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2015. 399 с. URL: <https://elibrary.ru/item.asp?id=25758814>

³ Фетисова Е. А. Неприменение судом акта, противоречащего закону: постановка проблемы // Юридический вестник Самарского университета. 2019. Т. 5. № 2. С. 117–124. DOI: <https://doi.org/10.18287/2542-047X-2019-5-2-117-124>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. – Т.: “Vektor-Press”, 2010. 42-бет.



қилинади, чунки ҳимояланишнинг кўриб чиқилаётган усулини қўллашлик учун асос ҳужжатнинг қонунга зидлигидир¹. Ушбу фикрни қўллаб қувватлаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, суд ноқонуний қонуности ҳужжатларни қўлламаслик ҳуқуқига эга. Ишда қонуности ҳужжатлари қонунга зид бўлса, қонуности ҳужжатини қўлламасдан қонунни қўллайди. Мазкур фикр 2010 йилда билдирилган бўлиб, ўша пайтда Ўзбекистонда маъмурий судлар ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс мавжуд бўлмаган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилингандан сўнг, қонуности ҳужжат сифатида идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишлари юритиш тўғрисида кодексининг 23-боби) доирасида суд ноқонуий идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни қўлламасликдан фойдаланмаслиги лозим.

Айрим хорижий мамлакатлар маъмурий суд иш юритуви амалиётида маъмурий ҳужжат билан боғлиқ низони кўриш таркибида суд томонидан ноқонуний норматив-хуқуқий ҳужжатни қўлламаслик ҳуқуқи назарда тутилган бўлсада, лекин ушбу давлатларда норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги маъмурий суд иш юритуви мавжуд эмас. Бу борада Япония тажрибасига мурожаат қиласак.

Японияда норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш билвосита амалга оширилади. Яъни, норматив ҳуқуқий-ҳужжатнинг қонунчилигини текшириш масаласи маъмурий ҳужжат билан боғлиқ низони ҳал этиш жараёнида уни қўллаш ёки қўлламаслик нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Лекин, норматив-хуқуқий ҳужжатлар жисмоний ва юридик шахсларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқларини бузган тақдирда судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Бу дегани қонуности ҳужжатларни факатгина Конституцияга зидлигини текширилиши мумкин. Ўзбекистон қонунчилиги сингари Конституциядан ташқари бошқа қонунларга мувофиқлик масаласи тўғридан-тўғри текширилмайди.

Япония Конституциясининг 44-моддасига кўра, бутун суд ҳокимияти Олий судга ва қонунда белгиланган ҳолларда қуий судларга берилган. Профессор Нобуёши Ашибенинг таъкидлашича, суд ҳокимиятининг вазифаси қонунни шарҳлаш ва қўллаш, кейин аниқ ишларни ҳал қилишдир². Конституциянинг 81-моддасида суд назорати белгилаб қўйилган. Унга кўра, Олий суд ҳар қандай қонун, буйруқ, коидалар ёки расмий ҳужжатнинг конституцияйлигини аниқлаш ҳуқуқига эга бўлган юқори суддир³.

Шундай бўлишига қарамай, Япония маъмурий суд иш юритуви қонунчилигида суд томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Бугунги кунда Японияда маъмурий судлов соҳадасиги муносабатларни тартибга солувчи қуийдаги қонунлар мавжуд:

- 1) 1962 йил 15 сентябрдаги «Маъмурий шикоятларни кўриб чиқиш тўғрисида» ги қонун;
- 2) 1962 йил 1 октябрдаги “Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги Қонун.

Япония “Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида маъмурий ишларнинг 4 тури белгиланади:

а) оммавий ҳокимият ваколатига эга бўлган маъмурий органлар томонидан қабул қилинган карорлар бўйича низолашишга оид ишлар;

б) оммавий-хуқуқий муносабатлар доирасида юридик фактларни белгилашга оид ишлар;

в) аҳолининг оммавий даъволари;

г) оммавий ҳокимият органлари ўртасидаги низолар⁴ .

Ўзбекистон ва Япония маъмурий суд иш юритуви қонунчилиги доирасида ҳал этиладиган ишларни қиёслайдиган бўлсақ, миллий қонунчилигимизда идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўйича низолашишга оид ишларнинг маҳсус тартиботи мавжуд, лекин оммавий-хуқуқий муносабатлар доирасида юридик фактларни белгилашга оид ишлар, аҳолининг оммавий даъволари, оммавий ҳокимият органлари ўртасидаги низоларга оид ишлар мавжуд эмас.

Япония Олий судининг 1964 йил 29 октябрдаги қарорига кўра, маъмурий ҳужжатлар (а)

¹ Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарх. 1-жилд (биринчи кисм) Адлия вазирлиги. – Т.: “Vektor-Press”, 2010. 42-бет.

² Nobuyoshi Ashibe, Kenpo [Constitution]326,329 (Iwanami Shoten 2011).

³ https://japan.kantei.go.jp/constitution_and_government_of_japan/constitution_e.html

⁴ http://www.japaneselawtranslation.go.jp/law/detail_main?re=&vm=02&id=1922



оммавий-ҳокимият ва (б) бевосита (индивидуал) ҳуқуқий муносабатни тартибга солиши лозим. Ушбу масала бўйича Япония Олий суди амалиётидан бир нечта ишлар келтириб ўтсак.

Шунингдек, Япония Олий суди 2006 йил 14 январда сув нархини ошириш тўғрисидаги маҳаллий қарорни бекор қилиш тўғрисидаги даъвони рад этди. Олий суд сув эҳтиёжларини қондириш учун нархларни ошириш маълум бир доирага тегишли бўлган ҳаракат эмас деб баҳолади. Бинобарин, ушбу ҳужжат маъмурий ҳужжат эмас ва суд тартибида шикоят қилиниши мумкин эмас¹.

Демак, Япония суд амалиётидан кўриш мумкинки, судга шикоят қилиш учун эътиroz билдирилаётган ҳужжат индивидуал хусусиятга эга бўлиши муҳим. Японияда жисмоний шахслар томонидан ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларига дахл қилувчи(ёки бошқа тарзда таъсир этувчи) давлат бошқаруви органларининг маъмурий индивидуал ҳужжат (қарорлар)лари устидан келтирилган шикоят, ариза асосида кўриладиган суд иши доирасида норматив ҳужжатнинг қонунийлигини ҳам кўриш мумкинлиги назарда тутилган². Бу дегани Японияда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бевосита эмас, билвосита суд томонидан қонунийлиги текширилади. Агар қонуности ҳужжатлари қонунга зидлиги аниқланса суд ушбу ҳужжатни қўлламайди.

Демак, Японияда судда маъмурий ҳужжат боғлиқ низони кўриш тартибида ноқонуний норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўлламаслик ҳуқуки мавжудлиги, ушбу давлатда ноқонуний норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топишнинг алоҳида суд иш юритуви йўклиги билан изоҳланади.

Шу ўринда Россия Федерациси тажрибаси эътибор қаратсак. Россия Фуқаролик кодексининг 12-моддасига кўра, суд фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлган давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қўлламаслик ҳуқуқига эга³. Мазкур масалани суд амалиёти асосида таҳлил қилсак.

Ўзини-ўзи бошқариш туман бошқарув органи Карабаево-Черкесской Республикаси судида масъулияти чекланган жамиятга қарши даъво аризаси билан мурожаат қилди. Ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Карабаево-Черкесской шаҳар округи ҳам жалб этилди. Шаҳар округини ишга жалб қилишдан мақсад ўзини-ўзи бошқариш туман бошқарув органи шаҳар округи томонидан чиқарилган “Ер таъминлаш тўғрисидаги қоидалар” Россия Федерациясининг “Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 71-моддасига зид бўлганлиги учун, иш доирасида ушбу қоидаларни қўлламаслик кераклигини талаб қилди. Суд юқоридаги қоидаларни қўлламаслик учун, ушбу қоидалар алоҳида суд тартибида ҳақиқий эмас деб топиш лозимлигини билдириб, ишни масъулияти чекланган жамият фойдасига ҳал қилди⁴. Мазкур суд амалиётидан кўриш мумкинки, ҳаттоқи иқтисодий низоларни ҳам ҳал қилишда Россия Федерациясида судлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги алоҳида иш юритуви мавжуд бўлганлиги учун, ушбу ҳужжатни қўлламаслик ҳуқуқидан фойдалана олмайди. Бу бўйича Олий Арбитраж судининг ахборот хатидан алоҳида тушунтириш берилган⁵. Унга кўра, суд шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузади деб таҳмин қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат, агар ушбу ҳужжат алоҳида тартибида ҳақиқий эмас деб топилмагунча суд уни қўллашга мажбур бўлади. Бугунги кунда ҳам умумий юрисдиқция судлари ушбу амалиётни кенг қўллаб келмоқдалар.

Демак, хорижий мамлакатларда суд томонидан ноқонунуний норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қўлламаслик ҳуқуки мавжуд ёки мавжуд эмаслигини қуйидагилар билан асос-

¹ Сова Тошибуми, Я마다 Хироши, Ватари Тадасу. Введение в административное право. Юхикаку, 2011. С. 213 (曾和俊文、山田洋、亘理格『現代行政法入門』(有斐閣、2011年).

² Ichihashi Katsuya hen. “Akchuaru Gyoseihou” Houritsubunkasha.2010. – Р.77.

³ «Гражданский кодекс Российской Федерации (часть первая)» от 30.11.1994 N 51-ФЗ (ред. от 31.07.2020)// http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_5142/c4feb6bc3382269311df4bfffaf438feb330600cf/

⁴ Фетисова Е. А. Неприменение судом акта, противоречащего закону: постановка проблемы // Юридический вестник Самарского университета. 2019. Т. 5. № 2. С. 117–124. DOI: <https://doi.org/10.18287/2542-047X-2019-5-2-117-124>.

⁵ Информационное письмо Президиума Высшего Арбитражного Суда РФ № 145 от 31.05.2011 «Обзор практики рассмотрения арбитражными судами дел о возмещении вреда, причиненного государственными органами, органами местного самоуправления, а также их должностными лицами»// <https://www.garant.ru/products/ipo/prime/doc/5810252>



лаш мумкин:

Биринчидан, судда маъмурий хужжат боғлиқ низони қўриш таркибида ноқонуний норматив-хуқуқий хужжатни қўлламаслик хуқуқи мавжуд бўлган давлатларда ноқонуний норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топишнинг алоҳида суд иш юритуви йўқлиги билан изоҳланади;

Иккинчидан, айрим хорижий мамлакатларда суд томонидан ноқоқуний норматив-хуқуқий хужжатни қўлламаслик хуқуқидан фойдаланмаслик мазкур давлатларда ушбу норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топишнинг алоҳида тартиби маъмурий суд иш юритуvida борлиги билан асосланади.

Таъкидлаш жоизки, маълум бир норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги маъмурий суд иш юритувининг алоҳида тартиби бўла туриб, суд томонидан ушбу хужжатни юқори юридик кучга эга бўлган қонун хужжатига зид деб қўлламасликни тўғри деб айтиш қийин. Бунда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд иш юритувининг 22-боби(Идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиши)нинг аҳамияти қолмайди. Агар суд маъмурий хужжат боғлиқ низони қўриш таркибида идоравий норматив-хуқуқий хужжатни юқори юридик кучга эга бўлган қонун хужжатига зид деб топиб, уни қўлламаса ноқонуний деб қўлланмаган идоравий норматив-хуқуқий хужжат амалиётда қўлланишни давом этади. Бу эса яна ушбу идоравий норматив-хуқуқий хужжат асосида бошқа шахсларнинг хуқуқларини бузилиши давом этади. Шу ўринда савол туғилади. Идоравий норматив-хуқуқий хужжатдан ташқари бошқа қонуности хужжатларини ҳам суд қўлламаслиги керакми? Бизнингча, идоравий норматив-хуқуқий хужжатлардан ташқари бошқа қонуности хужжатлари (Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари) юқори юридик кучга эга қонун хужжатларига зид деб топилса, суд уларни маълум бир ишни ҳал қилишда қўлламаслик хуқуқига эга. Сабаби мазкур қонуности хужжатларни ҳақиқий эмас деб топишнинг маъмурий суд иш юритуви доирасида алоҳида тартиби ҳали мавжуд эмас.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текширишнинг билвосита тури юзасидан суд амалиётини такомиллаштириш бўйича қўйидагилар таклиф этилади.

Биринчидан, маъмурий судлар маъмурий хужжат боғлиқ низони қўриш таркибида ноқонуний идоравий норматив-хуқуқий хужжатни қўлламаслик хуқуқидан фойдаланиши мумкин эмас.

Иккинчидан, маъмурий судлар маъмурий хужжат боғлиқ низони қўриш таркибида ноқонуний идоравий норматив-хуқуқий хужжатни қўллаш сабабларини ҳал қилув қарорини асослантирувчи қисмida тушунтириб бериши лозим. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиши тўғрисидаги кодекснинг 158-моддасига кўра, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмida ҳал қилув қарорини қабул қилишда суд амал килган қонун хужжатлари ҳамда суд ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун хужжатларини қўлламаганлигининг асослари кўрсатилиши керак¹.

Ноқоний идоравий норматив-хуқуқий хужжатни қўллашни ушбу хужжатни ҳақиқий эмас деб топишнинг алоҳида маъмурий суд иш юритуви мавжудлиги билан асослантириши керак. Шунингдек, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмida манфаатдор шахсга идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш талаби билан МСЮтК 22-боби тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтириб ўтиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, маъмурий судлар маъмурий хужжат боғлиқ низони қўриш таркибида ноқонуний идоравий норматив-хуқуқий хужжатни қўлламаслик хуқуқидан фойдаланмаслиги натижасида идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги суд амалиётини ривожланишига олиб келган бўлар эди.

¹ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ТОМОНИДАН ИДОРАВИЙ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИНИ ТЕКШИРИШ ВА ДАЛИЛЛАР МАСАЛАЛАРИ

*Артиков Дилмурод Раҳматиллаевич
Тошкент давлат юридик
университети катта ўқитувчиси*

Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд томонидан ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш ва даллиллар доирасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишларни кўришда суд томонидан текшиralадиган масалалар, яъни қонунийлигини текшириш шартлари алоҳида ўрин тутади. Мазкур ҳолат ҳам анча мунозаралидир. Маълумки, мазкур тоифадаги ишларда суднинг асосий вазифаси идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунийлигини текшириш ҳисобланади. МСИЮтКнинг 181-моддасига кўра, суд идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўришда унинг тўлалигича ёки муайян қисми нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатига мувофиқлигини, шунингдек низолашилаётган норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатларини ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат руйхатидан ўтганлигини текширади¹. Мазкур текшириш шартлари кайси даражада бўлиши лозим деган савол туғилади. Бизнингча МСИЮтКнинг 181-моддаси асосида ушбу саволнинг жавобини топиш қийин.

Ю.А. Тихомировнинг таъкидлашича, норматив-хуқуқий ҳужжатни текшириш учун асослар - норматив-хуқуқий ҳужжат мазмунининг қонунийлиги, ушбу ҳужжатнинг шакли ва уни қабул қилган орган (mansabdar shaxs) нинг ваколатларини ўз ичига олади².

Фикримизча, суд идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг низоли қоидаларининг мазмунини таҳлил қилаётгандан, ушбу ҳужжатнинг амал қилиш шартларини, яъни ушбу ҳужжатда кўриб чиқилаётган хуқуқий муносабатларни тартибга солишининг мумкинлигини ва субъектнинг хуқуқлари бузилганлигини текшириши лозим. Ўз навбатида, низоли идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки мансабдор шахснинг ваколатини текшириши лозим. Бу борада идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки мансабдор шахснинг ваколатини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, идоравий норматив-хуқуқий ҳужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларда суд томонидан қонунийлигини текширишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу ўринда савол туғилади. Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонуний бўлишига оид қандай қоида ёки шартлар мавжуд?

О.Файзиев томонидан идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатнинг қонунга мувофиқ эмаслиги белгиларига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилиш учун зарур ҳуқуқий асосларнинг мавжуд эмаслиги, норматив-хуқуқий ҳужжат бекор қилинган қонунни ижро этиш учун қабул қилингани, норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилишда қўлланилган қонун нотўғри танлангани, норматив-хуқуқий ҳужжат тегишли ваколатга эга бўлмаган орган томонидан қабул қилингани ёки норматив-хуқуқий ҳужжат мазкур органга берилган ваколатлар доирасидан четга чиқиб қабул қилингани, норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилиш тартиби бузилганини киритади³.

Ю.А. Попованинг фикрига кўра, норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан низолашаётган ҳолларда қонунийлигини текшириш шартларига норматив ҳуқуқий-ҳужжатни чиқарган орган ёки мансабдор шахснинг ваколати, норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилиш, эълон қилиш тартиби, низоли норматив ҳужжатнинг юқори юридик кучга эга бўлган ҳужжатларга

¹ Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.01.2018 й., 02/18/МПК/0627-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон

² Тихомиров Ю.А. Критерии законности правовых актов // Право и экономика. 1997. № 19-20. С. 3-5.

³ Файзиев О.Р. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бўйруқлари ҳамда карорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т.; 2018. – 15 б



мувофиқлиги, норматив-хуқуқий хужжатни рўйхатдан ўтказиш ташкил этади¹.

О.А. Ереминанинг фикрига кўра, қонунийликнинг текшириш шартларига ариза берувчининг хуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги, низоли хуқуқий хужжатнинг норматив хусусияти, норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилиш тартибига риоя қилиниши, давлат органининг норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилиш ваколати, низоли норматив-хуқуқий хужжатнинг юкори юридик кучга эга бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқлигини киритади².

Юқорида билдириб ўтилганлар фикрлар асосли бўлиб, фақатгина мазкур илмий қарашларни тизимлаштирган ҳолда тушуниш идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигининг шартларини янада яхшироқ тушунишга хизмат қилган бўлар эди. Бу борада қонунийлик шартларини маъмурий хужжат асосида таҳлил қилган япониялик олим Ичиҳаши Кацуя маъмурий хужжат қонунийлиги шартлари: а) шаклий қонунийлик; б) ҳақиқий (мазмун-моҳияти юзасидан) қонунийлик; в) маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллаш қонунийлигидан иборат бўлиши келтириб ўтилади. Мазкур шартларга риоя қилинмаган ҳолда қабул қилинган маъмурий хужжат ноконуний бўлади³.

Юқоридаги таснифлаш тизимли ҳарактерга эга бўлиб, назаримизда, уни суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш шартларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Шу нуқтаи назардан суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш шартларини учта шаклга ажратиш мумкин: 1) шаклий қонунийлик; б) ҳақиқий (мазмун-моҳияти юзасидан) қонунийлик; в) маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)ни қўллаш қонунийлиги. Бизнингча, суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текширишда мазкур шаклларга ургу бериш муҳим аҳамиятга эга.

Дастлаб суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг шаклий қонунийлигини текширишни таҳлил қилсак. Шаклий қонунийлик ўз навбатида: а) ваколат қонунийлиги; б) шакл қонунийлиги; в) процедура қонунийлигидан иборат бўлади деб айтиш мумкин⁴.

Суд идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг ваколат қонунийлигини текширишда идоравий норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилувчи вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу хужжатнинг қабул қилиш ваколатига эгалигига эътибор қаратиши лозим.

Ю.А. Тихомировнинг фикрича, ваколатларнинг тўғридан-тўғри бузилишининг шаклларига бошқа давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ваколатларига аралашиш, ҳокимиятни ўзлаштириш, ваколатлардан фойдаланмаслик, ваколатларнинг етишмаслиги, қонуний фаолиятга тўскинлик қилиш, бошқа органларнинг ваколатларини пасайиши, ўз ваколатларини суистеъмол қилишни киритади⁵.

Низоли идоравий норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилган органнинг ваколатларини текшириш бўйича ушбу олим томонидан билдирилган фикрда батафсил очиб берилган деб ҳисоблаш мумкин. Шундай қилиб, суд биринчи навбатда ушбу орган (мансадор шахс) идоравий норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилиш ваколатига эга ёки йўклигини текширади. Бундан ташқари, суд идоравий норматив-хуқуқий хужжатни ушбу органнинг (мансадор шахснинг) қонуний ваколатининг белгиланган чегараларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам текшириши мумкин.

Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг шакл қонунийлиги текшириш деганда, идоравий норматив-хуқуқий хужжат шакли “Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш коидалари”⁶нинг 22-28-бандларида белгиланган

¹ Попова А.Ю. Предмет доказывания в производстве по делам, возникающим из публичных правоотношений // Современная доктрина гражданского, арбитражного процесса и исполнительного производства: Теория и практика. — Краснодар; СПб., 2004. С. 454.

² Еремина О.А. Особенности рассмотрения арбитражными судами дел об оспаривании нормативных правовых актов // Администратор суда. 2008. № 1. Режим доступа: <http://www.consultant.ru>

³ 市橋克哉編『アクチュアル行政法』法律文化社2010年103–109.

⁴ 市橋克哉編『アクチュアル行政法』法律文化社2010年103–109.

⁵ Тихомиров Ю.А. Теория компетенции // Журнал российского права. 2000. № 10. Режим доступа: <http://www.consultant.ru>

⁶ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/2565-5/0565-сон; 06.07.2018 й., 10/18/2565-6/1469-сон; 20.02.2019 й., 10/19/2565-7/2653-сон, 20.04.2019 й., 10/19/2565-8/2976-сон; 29.04.2020 й., 10/20/2565-9/0539-сон, 29.06.2020 й., 10/20/2565-10/1010-сон



хужжатнинг шаклига қўйилган талабларни текшириш назарда тутилади.

Суд томонидан идоравий норматив-хукуқий хужжатнинг процедура қонунийлиги текшириш эса “Идоравий норматив-хукуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари”¹нинг 58-101-бандларида белгиланган хужжатнинг қабул қилиш тартиб-таомилларига қўйилган талабларни текшириш асосида амалга оширилади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 181-моддасида процедура қонунийлигини текшириш назарда тутилмаган. Бу борада Россия Федерацияси Маъмурий суд иш юритуви кодексининг эътибор қаратсак, суд норматив-хукуқий хужжат юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиша кўйидагиларни аниклади:

1) маъмурий даъвогар ёки маъмурий даъво аризаси топширган шахсларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигини;

2) норматив-хукуқий хужжатнинг қўйидаги талаблари белгиланганлиги:

а) орган, ташкилот, мансабдор шахснинг норматив-хукуқий хужжатни қабул қилиш ва колатлари;

б) орган, ташкилот, мансабдор шахс томонидан қабул қилинган норматив-хукуқий хужжатнинг шакли ва тури;

в) низоли норматив-хукуқий хужжатни қабул қилиш тартиб-таомили;

г) норматив-хукуқий хужжатни амалиётга жорий этиш қоидалари, шу жумладан эълон қилиш тартиби, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларнинг кучга кириши;

3) низоли норматив-хукуқий хужжатнинг ёки унинг бир қисмининг юқори юридик кучга эга бўлган норматив-хукуқий хужжатга мувофиқлиги².

Суд аниқланиши лозим бўлган масалалар қамрови Россия қонунчилигига батафсил баён қилинганлигини кўриш мумкин. Жумладан, миллий қонунчилигимиздан фарқли равишда идоравий норматив-хукуқий хужжатни қабул қилиш процедурасининг қонунийлигини текшириш билан боғлиқ иккита алоҳида жиҳат мавжуд. Яъни, низоли норматив-хукуқий хужжатни қабул қилиш ва эълон қилиш тартиб-таомили алоҳида хусусиятга эгадир. Суд томонидан мазкур шартларни текшириши муҳим аҳамиятга эгадир. Белгиланган тартиб-таомилга амал қилинмаган ҳолда қабул қилинган идоравий норматив-хукуқий хужжатни қонуний деб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 181-моддасининг 3-қисмини қўйидаги тарзда ўзгартириш таклиф этилади.

“Суд идоравий норматив-хукуқий хужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишни кўрища унинг тўлалигича ёки муайян қисми нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган қонун хужжатига мувофиқлигини ва уни қабул қилиш ва эълон қилиш тартиб-таомилининг тўғрилигини, шунингдек низолашилаётган норматив-хукуқий хужжатни қабул қилган органнинг ваколатларини ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтганилигини текширади.”

Суд томонидан идоравий норматив-хукуқий хужжатнинг ҳақиқий (мазмун-моҳияти юзасидан) қонунийлигини текшириш деганда суд идоравий норматив-хукуқий хужжатнинг юқори юридик кучга эга қонунга мувофиқлиги, хужжатнинг мазмуни қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратиш лозим.

Буюк Британиялик олимлар суд томонидан норматив-хукуқий хужжатнинг қонунийлигини текширишда бир қатор принципларга таяниш лозимлигини таъкидлайдилар. Бу борада мутаносиблик принципи алоҳида ўрин тутади. Яъни, суд қонуности хужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш манфаатдор шахсга қийинчилик туғдирмаслиги керак³.

Дарҳақиқат, маъмурий хукуқнинг умумий принциплари ҳам суд томонидан идоравий

¹ Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/2565-5/0565-сон; 06.07.2018 й., 10/18/2565-6/1469-сон; 20.02.2019 й., 10/19/2565-7/2653-сон, 20.04.2019 й., 10/19/2565-8/2976-сон; 29.04.2020 й., 10/20/2565-9/0539-сон, 29.06.2020 й., 10/20/2565-10/1010-сон

² Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации” от 08.03.2015 N 21-ФЗ (ред. От 27.12.2019) (Code of administrative justice of the Russian Federation” from 08.03.2015 N 21-FZ (ed. From 27.12.2019)

³ J Tomlinson and K Sheridan, ‘Judicial Review, Evidence, and Systemic Unfairness in the UK’ IAACL-AIDC Blog (3 September 2018) <https://blog-iacl-aidc.org/blog/2018/9/3/judicial-review-evidence-and-systemic-unfairness-in-the-uk>



норматив-хуқуқий хужжатнинг ҳақиқий (мазмун-моҳияти юзасидан) қонунийлигини текширишга киритиш мумкин.

Суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг маъмурий ихтиёрийлик (дискремион ваколат)ни қўллаш қонунийлигини текшириш деганда, юқори юридик кучга эга қонунда идоравий норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилишга маъмурий ихтиёрийлик берилганда ушбу ваколатдан қонуний фойдаланилганинги текширилиши тушунилади. Маълумки, “Идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари”га кўра, вазирлик ва идораларга, агар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан тегишли хужжатни қабул қилиш ёки аниқ ижтимоий муносабатларни хуқуқий тартибга солиш бўйича ваколат берилган бўлса, идоравий норматив-хуқуқий хужжатларни қабул қилишлари мумкин¹.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, суд томонидан идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш шартларини учга ажратиш мумкин: 1) шаклий қонунийлик; б) ҳақиқий (мазмун-моҳияти юзасидан) қонунийлик; в) маъмурий ихтиёрийлик (дискремион ваколат)ни қўллаш қонунийлиги. Ўз навбатида, суд идоравий норматив-хуқуқий хужжатнинг қонунийлигини текшириш шартларидан келиб чиқсан ҳолда, далиллар доирасини аниқлаштириши лозим.

¹ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/2565-5/0565-сон; 06.07.2018 й., 10/18/2565-6/1469-сон; 20.02.2019 й., 10/19/2565-7/2653-сон, 20.04.2019 й., 10/19/2565-8/2976-сон; 29.04.2020 й., 10/20/2565-9/0539-сон, 29.06.2020 й., 10/20/2565-10/1010-сон

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(1-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович

Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович

Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000